

Health Care
Doctor
Hospital
Pharmacist
Nurse
Dental
First Aid
Surgeon
Emergency



MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

MEDICAL



MEDICAL



**VI INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
"ABU ALI IBN SINO
(AVICENNA) AND INNOVATIONS
IN MODERN PHARMACEUTICALS"**

**May 18th, 2023
Tashkent city, Republic of Uzbekistan**

THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE
IBN SINO PUBLIC FOUNDATION

**ABSTRACT BOOOK OF THE 6TH INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE ON**

**ABU ALI IBN SINO AND INNOVATIONS
IN MODERN PHARMACEUTICS**

TASHKENT-2023

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
IBN SINO JAMOAT FONDI

**ABU ALI IBN SINO VA ZAMONAVIY
FARMATSEVTIKADA INNOVATSIYALAR**

**MAVZUSIDAGI
VI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN TO'PLAMI**

TOSHKENT-2023

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
ОБЩЕСТВЕННЫЙ ФОНД ИБН СИНО

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ VI МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО И ИННОВАЦИИ
В СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКЕ**

ТАШКЕНТ-2023

nomlar bilan yuritganlari bizga ma`lum. Bu sohada uzoq izlanishlar olib borgan tarixshunos-faylasuf YAhyo Mahdaviyning fikricha, “Amr mastur as-san`a” “al-Iksar”, “al-Kimyó”, “Fi-sSan`a” kabi atamalar bir kitobning nomidir. Abu Ali ibn Sinoning kimyoga oid qarashlari uning ikki: “Tib qonunlari” (al-Qonun fi-t-tib) va “Ash-SHifo” shoh asarlarida o`z aksini topgan. “Tib qonunlari”ning 1,3,4-jildlari tabobatga bag`ishlangan bo`lsa, 2-jildi farmakologiya bilan tanishtiradi. Unda ma`danlar, o`simlik va hayvonot dunyosidan olinadigan 811 xil sodda dorivorlarning (aladviyat al-mufrada) nomi alifbo tartibida joylashtirilgan va tavsiflangan. 5-nchi kitob murakkab dorilar (aladviyat al-murakkaba)ga bag`ishlangan. Bu qismda olim tabiatda uchramaydigan 545 xildan ortiq turli tarkibli doridarmonlarni tayyorlashga oid tadqiqot natijalarini yig`gan.

Kitobning bu qismini tayyorlashda Ibn Sino kimyo fani va kimyoviy moddalar haqida ham chuqur bilim sohibi ekanligini namoyon qiladi. Bunga oddiy metallarni (mis, qo`rg`oshin, temir, qalay, simob), asl metallarni (oltin, kumush), isfidoj (qo`rg`oshin bo`yog`i), kibrit (oltingugurt), zarnix (auripigment), buroq (bura va soda), magnisiya (marganets ma`dani), to`tiyo (galmey), za`faron, zanjar, zodi, natrun, novshadillar, zanjara (sirka kislotaga mis ta`sirida olingan mis atsetati – yar-medyanika) ning olinishini va ishlatilishini izohlab bergan. Simobning xususiyatlarini aniqlab, uning bug`lari zaharli ekanligini o`sha davrdayoq olim tushuntirib bergan. Olim simobning oltingugurt bilan birikib, 115 sunjurf (kinovar) olish va olingan moddani tarkibiy qismlarga parchalash mumkinligini batafsil o`rgatadi.

Ibn Sino suvning og`irligini o`lchash orqali uning sifatini aniqlash usulini kashf etgan, engil suv sifatli va yaxshiroq ekanligini isbotlagan. Ibn Sino suvning sifatini quyidagicha aniqlaydi: massasi bir xil bo`lgan ikkita paxta yoki mato bo`lagini ikki xil suv bilan ho`llab, keyin ularni yaxshilab quritadi va tarozida tortadi, qaysi jism engilroq kelsa, o`sha namuna botirib olingan suv tozaroq deb hisoblangan. Shu usul bilan distillangan suv olishni va undan dori-darmonlar tayyorlash uchun erituvchi sifatida foydalanishni ham birinchi bo`lib Ibn Sino qo`llay boshladi. Uning kimyo sohasidagi amaliy ishlariga misol sifatida, efir moylarini haydab olish, vodorod xlorid, sulfat va azot kislotalari tayyorlash, kaliy va natriy ishqorlari olishni ko`rsatish mumkin.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАБОБАТДА ҚЎЛЛАГАН LAMIACEAE LINDL. ОИЛАСИНИНГ ДОРИВОР ТУРЛАРИ

Насриддинова М.Р.

*Қарши давлат университети,
e-mail: m.nasriddinova@mail.ru; тел.: +998(93)0706078*

Табобат илмининг султони Абу Али Ибн Сино (Европада Авиценна) 900 га яқин доривор ўсимликларни табобатда қўллаган. У табобатга бағишланган 55 та асар ёзган. Шундан энг машҳури 5 қисмли “Тиб қонунлари” асарида Lamiaceae Lindl. оиласи вакилларининг турли касалликларни даволашда қўлланилганлиги баён қилинган.

“Тиб қонунлари” асарини таҳлил қилиш натижасида Lamiaceae оиласининг доривор вакиллари 9 турни ташкил этиши аниқланди (*жадвал*). Асарда Ибн Сино бу ўсимликларни ўша даврнинг маҳаллий номлари билан атаган. Кейинчалик асарнинг ўзбекчага таржима қилинган қайта нашрида ўсимликларни ўзбекча номи билан келтирилган, китоб охирида берилган кўрсаткичлардан ўсимликларнинг маҳаллий номини билиб олиш мумкин бўлади (*жадвал*).

Ўсимликларнинг номланиши

	Илмий номи	Ўзбекча номи	Маҳаллий номи	Ҳаётий шакли	Хом-ашёси
1	<i>Melissa officinalis</i>	Лимонўт	Бодранжбуя	Ўт ўсимлик	Барги, гулли новдачалари
2	<i>Hyssopus officinalis</i>	Доривор кўкўт	Ископ, кўкўт	Яримбутача	Гулли новдачалари
3	<i>Ziziphora pedicellata</i>	Кийикўт	Какликўт	Яримбутача	Ер устки ўт қисми
4	<i>Thymus serpyllum</i> <i>Thymus vulgaris</i>	Тоғжамбил	Наммам	Яримбутача	Ер устки ўт қисми
5	<i>Mentha piperita</i> <i>Mentha arvensis</i>	Ялпиз	Наъно	Ўт ўсимлик	Барги, гулли новдачалари
6	<i>Origanum vulgare</i>	Тоғрайхон	Машкатаромашиё	Ўт ўсимлик	Ер устки ўт қисми
7	<i>Satureja thymbra</i>	Боғрайхон	Саътар	Яримбутача	Ер устки ўт қисми

Табобатда Ибн Сино Lamiaceae оиласи вакилларида қуйидаги касалликларни даволашда фойдаланган: *M. officinalis* – юракни мустаҳкамловчи, овқат ҳазмини яхшиловчи, ҳиқичокда ёрдам берувчи; *H. officinalis* – ўпка касалликларини даволовчи; *Z. pedicellata* – тиш оғриғи, тизза оғриғи, меъда ва жигар касалликларида даволовчи, гижжа туширувчи; *Th. vulgaris*, *Th. serpyllum* – сийдик ва тер ҳайдовчи, иштаҳа очувчи, йўтал ва тумовга қарши, дизентерия, ичак фаолияти бузилишида; *M. piperita*, *M. arvensis* – овқат ҳазмини яхшилаш, ҳиқичок, ичак оғриқларини даволовчи, кўтир, қичима, сариқ касалида қайнатмасида чўмилишни; *O. vulgaris* – мия тикилмаларини очиш, бош ва кулоқ оғриғини даволовчи; *S. thymbra* – бош оғриғи, йўтал, тумов, ич терлама, овқат ҳазми бузилиши, корин дам бўлиши, кўнгил айнишини даволовчи восита сифатида тавсия этган.

Ибн Сино доривор ўсимликларни биргаликда қўллаш самарали бўлишини таъкидлаган. Шунингдек, Lamiaceae оиласи вакиллари ҳам биргаликда қўллашда тоғжамбил, тоғрайхон ва боғрайхондан тайёрланган қайнатмага янги туғилган чақалоқларни чўмилтиришни, ялпиз, тоғжамбил, иссоп ва боғрайхондан тайёрланган қайнатмадан эмизикли аёлларга сутини кўпайтириш учун ичишни тавсия этган.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Али Ибн Синонинг тиббий мероси халқ табобатига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Ибн Сино қўллаган Lamiaceae оиласининг айрим доривор вакилларида ҳозирда илмий тиббиётда ҳам қўлланиб келинади. Шундай экан, Lamiaceae оиласи доривор турларини кўпайтириш ва улар устида тадқиқотлар олиб бориш доривор ўсимликлар сонини оширишга эришиш ҳамда уларнинг шифобахшлик хусусиятларидан халқ табобатида фойдаланиш истикболини кўрсатади.

ABU RAYHON BERUNIYNING «SAYDANA» ASARINI FARMATSEVTIKA SOHASIDA TUTGAN O‘RNI

Sobirjonov A.Z.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Abu Rayhon Beruniyning ilmiy faoliyati fan taraqqiyotida butun bir davrni tashkil etadi. U ilmiy qiziqishlari doirasining kengligi va chuqurligiga, mavhum bilimdonlikdan qochib, moddiy madaniyat sohasida ham, ma’naviy madaniyat sohasida ham, insoniyatning real hayoti bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan masalalarga qiziqqan. Uning qoldirgan ilmiy meros 152 ta kitob va risoladan iborat. Olimning asarlari mavzu jihatdan turli-tuman. Ko‘pchilik asarlari esa o‘z zamonasida o‘ziga xos bir entsiklopediya hisoblangan.

Beruniyning oxirgi asari – «Dorivor o‘simliklar haqida kitob»ining qo‘lyozmasi XX asrning 30 yillarida Turkiyada topiladi. Asar «Saydana» nomi bilan mashhur, unda Beruniy Sharq, ayniqsa, Markaziy Osiyoda o‘sadigan shifobaxsh o‘simliklar haqida ma’lumot beradi. Dorishunoslikka oid asarlarni umr bo‘yi yiqqan Beruniy o‘z esdaliklarida qo‘yidagi kitob haqida shunday deydi: «Mening qo‘limga bir vaqtda ikkita kitob tushdi birisi «O‘tlar kitobi» deb atalib, unda har bir o‘tning rasmi bor edi. Bu rasmning qarshisiga uning dorivorligi yunon harflari bilan yozilgan. Ikkinchi kitob VI asrda yashagan qadimgi yunon tabibi Oribasining «Dovalar kitobi» edi. Bu kitobda dorivorlik haqida to‘g‘ri fikrlarga ishonchim komil bo‘lganidan uni arab harfi bilan ko‘chirib chiqdim».

U o‘z asarida har bir o‘simlikning o‘sish joylarini, belgilarini, shifobaxsh xususiyatlarini, biridan ikkinchisini farqini, biri o‘rniga ikkinchisini berish mumkinligini ko‘rsatadi. Beruniy «Saydana» asarida dorivor o‘simliklarni nomini alifbo tartibida joylashtiradi. Dorivor o‘simliklar nomini ko‘rinishini, qaerlarda o‘sishi, qaysi faslda gullashi va hosil berishi, o‘simlikning qaysi oilaga mansubligi va qanday kasalliklarni davolashda qo‘llanishi haqida to‘liq tavsif beradi. Beruniyshunos olim, professor Ubaydulla Karimovning aniqlashicha, Beruniy «Saydana» asarida dori moddalarining nomlarini 31 ta til va lahjada bayon etadi. Bu esa uning juda ko‘p tillarni bilishini ko‘rsatadi.

“Saydana” farmokognozika asar bo‘lib, tibbiyotning quroli sanalmish dori-darmon tayyorlanuvchi vositalar haqidagi ma’lumotlar yig‘indisidir.

“Saydana” o‘sha vaqtlari mavjud bo‘lgan dorishunoslik tarixi bo‘yicha yozilgan eng qimmatbaho manba hisoblanadi. Olimning bu asari Ibn Sinoning “Tib qonunlari”dan keskin farq qiladi. Ibn Sino dorivor vositalarning tarkibini, xususiyatlarini hamda kasallikka ta’sirini, dorivor vositalardan dorinoma bo‘yicha malham, ichimlik, dori tayyorlashni aniq yozgan.

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ФАРМАКОЛОГИК МЕРОСИ.....	16
Солихўжаев З.	
ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР	17
Миррахимов Ж.А., Хаитбаев М.М.	
АВИЦЕННА, ЕГО МЫШЛЕНИЯ О РАКЕ И ПРАВИЛЬНЫЙ ОБРАЗ ЖИЗНИ	17
Туйчиев Н.Х., Раимкулова Ч.А.	
ABU ALI IBN SINONING KIMYO FANI RIVOJLANISHIGA QO'SHGAN HISSASI	18
Xoliqova G.Q., Farmonova E.O., Begmurodova P.V., Jumayeva Z.R., Aslonova F.S.	
АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАБОБАТДА ҚЎЛЛАГАН LAMIACEAE LINDL. ОИЛАСИНИНГ ДОРИБОР ТУРЛАРИ	19
Насриддинова М.Р.	
ABU RAYHON BERUNIYNING «SAYDANA» ASARINI FARMATSEVTIKA SOHASIDA TUTGAN O'RNI.....	20
Sobirjonov A.Z.	
BOSINQIRASH HAQIDA IBN SINO TA'LIMOTI.....	21
Farmonova R.F, Xolmurodova D.Q.	
B12 VITAMINI VA UNING YETISHMASLIGIDAN KELIB CHIQUADIGAN KASALLIKLARDA IBN SINONING DAVOLASH USULLARI.....	22
Xolmurodova D.Q., Umedjonova G.U.	
ORTA ASRLARDA PELLAGRA KASALLIGI. AVITAMINOZ-PP	22
Xolmurodova D.Q., Ibrohimova R.U.	
THE LIFE OF AVICENNA AND THE "CANON OF MEDICINE"	23
Kodirova M.M.	
ШАРҚ ОЛИМЛАРИНИНГ ДОРИШУНОСЛИККА ОИД АСАРЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ЛОТИНЧА НУСХАЛАРИ	24
Махмудов О.В.	
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ТИББИЁТДА АҲАМИЯТИ.....	25
Ражаббоева Р., Арслонова Р.Р.	
O'RTA ASR VA HOZIRGI ZAMONLARDA QANDLI DIABETNI DAVOLASH USULLARI.....	26
Xolmurodova D.Q., Numonova S.J.	
ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ НАРОДУ (АВИЦЕННА)	26
Осмонова М.С.	
MEDICAL VIEWS OF IBN SINA "CANON OF MEDICAL SCIENCE"	27
Makhmudova A.D., Juraeva N.T.	
ИННОВАЦИОННЫЙ ПУТЬ СОЗДАНИЯ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ – ПУТЬ ВОЗРОЖДЕНИЯ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.....	29
Бошқаева А.К.	
ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ ЭКСТРАКТА ГАНОДЕРМЫ ЛЮЦИДУМ ДЛЯ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ ИНФЕКЦИОННЫХ И НЕИНФЕКЦИОННЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ: МИНИ-ОБЗОР. 30	
Махмадова Д.С.	
ВАШЕ ЗДОРОВЬЕ	32
Проф. Сач Михаэль	
INNOVATION DORI PREPARATLARI, KOSMETIKA VA BIOLOGIK FAOL QO'SHIMCHALARINI ISHLAB CHIQUISH, ULARNING SIFATINI TA'MINLASH.....	34
РАЗРАБОТКА ИННОВАЦИОННЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ ПРЕПАРАТОВ, КОСМЕТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ И БАД К ПИЩЕ, ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИХ КАЧЕСТВА	34
DEVELOPMENT OF INNOVATIVE MEDICINES, COSMETICS AND FOOD SUPPLEMENTS, ENSURING THEIR QUALITY	34
FIZIK USULLAR YORDAMIDA SANOAT MIQYOSIDA ISHLAB CHIQUARILADIGAN SUYUQ DORI PREPARATLARINI TARKIBINI STANDARTGA MOSLIGINI TEKSHIRISHNING TEZKOR USULLARI	34
Xursanaliyeva M., Inog'omov S.Yo.	